

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 16 октябрь, № 203 (5623) Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН:

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан Озарбайжон Республикасида бўлди.**



Ўзбекистон делегациясининг Озарбайжонга ташрифининг илк дақиқалариданоқ қадим озарбайжон заминига хос бўлган анъанавий меҳмондўстлик, самимийлик, дўстона муносабат туйғулари ҳамда мамлакатимизга катта ҳурмат-эҳтиром намоён бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ташқи сиёсий конъюнктура қандай бўлишидан қатъи назар, чуқур тарихий илдизлар, ўхшаш ва яқин миллий анъаналар, урф-одатлар, тил, маданият ва динга асосланади, ҳамкорлигимиз аниқ белгиланган йўналишларга эга. Дўстона алоқаларимизнинг янги тарихида мамлакатларимиз турли даражаларда ўзаро самимий ёрдам қўлини чўзиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбайжонга расмий ташрифи, авваламбор, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илгари эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли устувор йўналишларини белгилаб олишга қаратилди.

Ўзбекистон Озарбайжон билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ўзаро ишончга асосланган муносабатлар қарор топди, мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммолар йўқ.

Томонлар ўртасида ана шундай самимийлик ва ўзаро ишонч муҳитида, конструктив ва амалий мулоқот руҳида ўтган музокараларда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро хавфсизликка доир долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Президентимизнинг ташрифи асносида эришилган аниқ натижалар икки томонлама муносабатларни стратегик ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига олиб чиқиш имконини берди.

Минтақавий хавфсизлик муаммоларини муҳокама қилар экан, томонлар давом этаётган можаролар ва кескинлик ўчоқларини давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига қатъий риоя қилиш асосида тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Жанубий Кавказда қарама-қаршиликлар давом этаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳам Озарбайжон мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатнинг бой ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Мамлакатда замонавий технологияларга, экспортни кенгайтириш ва жаҳон бозорларига интеграциялашишга асосланган саноат базаси яратилган. Озарбайжон ўзининг қулай географик ва геостратегик ўрнидан самарали фойдаланиб, ушбу улкан минтақадаги муҳим логистик марказлардан бири сифатидаги мақомини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон чегарадош бўлмаса-да, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёнинг геосиёсий ҳамда геоиқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатларимизни кўп жиҳатлар бирлаштириб туради.

Сўнгги йиллардаги воқеалар шуни яққол кўрсатмоқдаки, улкан минерал хом ашё ва углеводород ресурслари, бой маданий-тарихий ва инсон салоҳиятига эга бўлган, жаҳон сиёсатидаги энг муҳим минтақалардан бўлган дунёнинг мазкур икки минтақасида турли ташқи кучлар ва қудратли давлатларнинг манфаатлари ўзаро дуч келмоқда ва баъзида очиқдан-очиқ тўқнашмоқда.

Мазкур минтақалар, табиийки, ўзига хос хусусиятларга, шу билан бирга, умумий жиҳатларга ҳам эгадир.

Бу, табиийки, мамлакатларимиз ва минтақаларимиз хавфсизлигини ҳамда уларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш йўлида қулай ташқи шароитлар яратиш учун давлатларимиз фаолиятини ва мамлакатларимизнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш заруратини тақозо этади.

Минтақаларимизда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар эҳтимоли кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ўрни ғоят муҳимдир ва мамлакатларимиз бундай таҳдидларга нисбатан адекват муносабатда бўлиши даркор.

Музокараларда, шунингдек, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Давлатларимиз раҳбарлари икки томонлама савдонинг ҳозирги ҳолати Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада юксак даражага кўтариш учун амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Озарбайжоннинг нефть-газ саноатидаги салоҳиятини инобатга олиб, ушбу мамлакатдан узоқ муддатли асосда нефть-газ саноатида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, нефть-кимё саноати маҳсулотлари, шунингдек, Озарбайжон корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бошқа маҳсулотларни сотиб олишга тайёр.

Айни пайтда Ўзбекистон корхоналари Озарбайжонга замонавий енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, кенг турдаги электротехника маҳсулотлари, кимё саноати, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, цемент ва қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа товарларни етказиб беришга тайёр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбайжонга ташрифи доирасида ўтказилган бир қатор тадбирлар, озарбайжонлик ҳамкорлар билан ташкил этилган икки томонлама учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Жумладан, Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Озарбайжон ҳукуматлараро комиссиясининг ўнинчи мажлисида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун мавжуд катта захиралар ва имкониятларни ишга солишдан, шунингдек, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришдан, шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

11 октябрь куни Ўзбекистон — Озарбайжон бизнес-форуми ўтказилди. Озарбайжоннинг етакчи компанияларидан юздан зиёд вакиллар иштирок этган мазкур анжуманда томонлар мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқаларини кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд эканини таъкидладилар ва кенг турдаги маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш бўйича аниқ таклифларни муҳокама қилдилар.

Мисол учун, Озарбайжонда "GM Ўзбекистон" корхонасида "Шевроле" бренди остида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларга талаб катта. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йилда Озарбайжонга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қарийб 4,5 минг автомобиль етказиб берилди ва яқин йилларда яна 3,3 минг автомобиль етказиб бериш тўғрисида келишувга эришилди.

Озарбайжонга автомобиллар етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришни янада рағбатлантириш мақсадида Боку шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Кобальт" русумли янги автомобиль тақдимотини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Озарбайжонга Ўзбекистондаги "МАН" ва "Исузу" корхоналари базасида ишлаб чиқарилаётган автобуслар, оғир юк автомобиллари, махсус техника, шаҳар коммунал хўжалиги техникаси, шу жумладан, ўт ўчириш машиналари, сув сепиш ва суғоришга мўлжалланган машиналар, юк кўтаргичлар ва бошқа техника воситаларини етказиб беришни йўлга қўйиш ҳам ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир.

Мисол учун, ҳозирги кунда "СамАвто" корхонасида ишлаб чиқарилган 400 дан ортиқ автобус Озарбайжон йўловчи ташиш тизимида хизмат қилмоқда. Ушбу машиналар ўзининг юқори сифати ва қулайлиги билан ишончга сазовор бўлди ва 2013 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган яна 150 автобусни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Озарбайжонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилаётганини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу мамлакат бозорига "ЎзКласс-Агро" қўшма корхонаси ва "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган комбайн ва тракторларни, шунингдек, минерал ўғитлар етказиб беришни йўлга қўйиш яхши истиқболга эга.

Ўзбекистон буғдойини Озарбайжон бозорига етказиб бериш борасида муайян тажриба тўпланган ва мазкур мамлакат компаниялари бундай ҳамкорликни Озарбайжонга йилига 50 минг тоннагача дон етказиб беришни ташкил этиш билан давом эттиришдан манфаатдор.

Умуман, озарбайжонлик шериклар билан ўтказилган тадбирлар ва икки томонлама музокаралар ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қизиқиш юқори эканлигини кўрсатди. Озарбайжонга автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, буғдой, минерал ўғитлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва бошқа товарларни етказиб бериш бўйича имзоланган ҳужжатлар бунинг далилидир.

Олий даражадаги музокаралар чоғида Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари ўртасидаги транспорт йўлакларини ривожлантириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди. Ушбу йўлаклар Қора денгиздаги Поти ва Ўртаер денгизидаги Мерсин (Туркия) бандаргоҳлари орқали Европа мамлакатларига чиқиш имконини беради.

Бу йўналишда Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия темир йўлларини Туркия темир йўллари тизими билан боғлайдиган ва Мерсин бандаргоҳи орқали Ўртаер денгизига чиқиш имконини берувчи "Навоий — Туркманбоши — Боку — Тбилиси — Карс" (Туркия) темир йўл транспорт йўлагидан фойдаланишга мамлакатимизда ҳар томонлама манфаатли лойиҳа сифатида қаралмоқда.

Бу хусусда сўз кетганда, томонлар "Боку — Тбилиси — Карс" темир йўли лойиҳасини амалга ошириш транспорт ва коммуникацияга оид лойиҳалар учун тамомила янги шароит яратишини, бу анча қисқа ва иқтисодий нуқтаи назардан самарали янги транспорт йўналишини барпо этиш имконини беришини таъкидладилар.

Музокаралар якунида қабул қилинган Қўшма баёнотда савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш учун иқтисодий кооперацияни фаоллаштириш ва мавжуд юксак салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмини ошириш зарурлигига, Президент Ислом Каримовнинг ташрифи асносида имзоланган ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ тадбирлари ва йўналишлари белгилаб берилган 2012 — 2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини сўзсиз бажариш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Томонлар Ҳукуматлараро комиссиянинг изчил фаолияти бу масалада асосий мувофиқлаштирувчи механизмга айланиши лозимлигини таъкидладилар.

Шу билан бирга, томонлар сўнгги йилларда Боку ва Тошкент шаҳарларида мамлакатларимизнинг миллий кўргазмалари ўтказилганини, мазкур анжуманлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ишбилармон доиралари ҳамкорлик суръатларини оширишга, айниқса, давлатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдириши мумкин бўлган соҳаларда шерикликни янада ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганини намоён этганлигини қайд этдилар.

Томонлар, шунингдек, мамлакатларимизнинг мавжуд улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятидан янада самарали ва ўзаро манфаатли асосда фойдаланиш учун ҳамкорликни икки ва кўп томонлама даражада давом эттиришга келишиб олдилар.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам ўзаро муносабатларни ривожлантиришдаги асосий устувор йўналишлардандир. Бу халқларимизнинг азалий маданий алоқалари, маънавий яқинлиги, анъана ва маданиятининг муштараклиги билан изоҳланади.

Боку шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали, Тошкент шаҳрида Низомий Ганжавий ҳайкали ўрнатилган. Озарбайжон пойтахтидаги кўчалардан бирига буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек номи берилган. Ўзбекистон пойтахтидаги кўчалардан бири озарбайжон халқининг буюк фарзанди Гейдар Алиев номи билан аталади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги қирқ минглик озарбайжон диаспораси вакиллари юртимиздаги кўплаб миллат ва элатлар билан бирга тинч-тотув яшаб, мустақил ва суверен Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Сўнгги йилларда озарбайжон миллатига мансуб 27 нафар Ўзбекистон фуқароси, улар орасида машҳур олим ва ўқитувчилар, қурувчи ва ҳарбий хизматчилар, эл севган маданият ва санъат намояндалари бор, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани улар жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнига эга эканлигидан яққол далолат беради.

Озарбайжонлик санъат усталари Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Қўшма илмий-техник ишланмаларни ташкил этиш, икки мамлакат Фанлар академиялари ва олий таълим муассасалари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш, маданият соҳасида турли тадбирларни ўтказиш ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир.

Ўзининг бетакрорлиги ва бунёдкорлик ишлари суръатининг юқорилиги билан кишида катта таассурот қолдирувчи Боку шаҳрининг бугунги қиёфаси изчил ривожланиб бораётган Озарбайжон эришаётган ютуқларни яққол намоён этади. Бугун мамлакат пойтахти жадал ривожланаётган мегаполисдир. Боку бир томондан шарқона шаҳар бўлса, бошқа томондан Ғарб цивилизациясидан асло қолишмайдиган замонавий шаҳардир.

Шаҳарда деярли барча магистраль коммуникациялар бутунлай янгиланган. Боку ўзига хос, эҳтимол Шарқ мамлакатларига унчалик хос бўлмаган архитектура асосида барпо этилган кўплаб иншоотларга эга шаҳардир. Буларнинг барчаси бугун Озарбайжон нафақат Шарқнинг марказларидан бири, балки илғор меъморий ечимлар асосида барпо этилган замонавий мамлакат эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Озарбайжонга амалга оширган мазмунли ва самарали ташрифи натижаларидан хулоса қилиб шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур ташриф кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришда, стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашда, халқаро ҳаётнинг долзарб муаммолари бўйича ўзаро манфаатли муносабатларнинг кенг кўламли масалаларини ўз ичига олган дастурни шакллантиришда муҳим янги босқич бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Боку — Тошкент

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

---

## Фахр

*Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси бош совринни қўлга киритди.*

# Ҳамюртларимиз — жаҳон чемпиони

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг спорт билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча зарур шарт-шароит яратиб берилиб, алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бундай улкан эътибор туфайли улар ҳам спортга меҳр қўйиб, турли мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда. Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида эришилган муваффақият ана шу саъй-ҳаракатларнинг ҳаётий тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур натижа ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Футболчиларимизнинг ушбу нуфузли мусобақага пухта ҳозирлик кўришлари учун давлатимиз томонидан яратиб берилган зарур шарт-шароитлар бунда муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 4-бетда).

# МИЖОЗЛАРНИНГ БАНКЛАРГА ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

## Банк хизматлари — тадбиркорлар эътирофида

***«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда жойларда аҳоли ва ишбилармон доиралар вакилларининг Ўзбекистон банк тизимига ишончи ҳақида сўров ўтказди.***

***Сўровда аҳоли кенг қатлами вакиллари — турли маълумотга эга, турли ёш ва миллатга мансуб эркаклар ҳамда хотин-қизлар иштирок этгани олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлади.***

(Давоми 4-бетда).

*Тошкентда 15 октябрь куни Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибаси ва эришган ютуқларига бағишланган конференция ҳамда мазкур соҳада қўлланиладиган Корея технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтди.*

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг йигирма йиллигига бағишланган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш. Нурматов ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишлар қатори қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам изчил тараққий этаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар иқтисодиёт, савдо, сармоя, нефть-газ, сайёҳлик, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар каби соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

*Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва пировардида “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўтган даврда бу борада 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Бу эса демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

# Маҳалла – меҳру оқибат қўрғони

Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармони бу борада алоҳида ўрин тутганлигини айтиш жоиз. Зеро, мазкур ҳужжатга мувофиқ, Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Ўтган давр мобайнида тарихий қадрият ва миллий анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган маҳалла институти тўла шакллантирилди. Бугунги кунга келиб, Фонднинг 14 та ҳудудий бўлими, 194 та туман ва шаҳар бўлинмалари самарали фаолият олиб бормоқда. Ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, кам таъминланган оилалар, ногирон ва боқувчисини йўқотганларни ҳамда ёлғиз қарияларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2006 — 2011 йилларда қабул қилинган Давлат дастурларида белгилаб берилган шу йўналишдаги ишларни рўёбга чиқариш учун Фонд ҳисобидан жами 14 миллиард сўмдан зиёд, жорий йилнинг ўтган даврида эса 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, Саховат, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда касалхоналарнинг моддий-техника базасини яхшилаш учун охирги беш йилда 2 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарлари чоғида ҳудудларни ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда, ёлғиз фуқароларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам анъана тусига кирди.

Фонднинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги фаолияти хусусида сўз юритганда, аввало, фуқаролар йиғинларида болалар спортини ривожлантириш мақсадида “Футболимиз келажаги”, “Маҳалламиз паҳлавонлари” каби спорт мусобақалари ҳар йили уюшқоқлик билан ўтказиб келинаётганини айтиш зарур. Бундан ташқари, 2006 — 2012 йиллар давомида бевосита Фонд томонидан 4 мингга яқин маҳаллаларнинг компьютер жамланмаси, 3020 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мебель жиҳозлари янгиланди. Фуқаролар йиғинлари ҳамда Фонд тизими ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ҳар йили ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Маҳалла нуфузини ҳар томонлама юксалтиришда фуқаролар йиғинларида асосий фаолият йўналишлари бўйича ташкил этилган турли комиссиялар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар фаолиятини янада кучайтиришда “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”, “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси”, “Энг намунали хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси” каби кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўлаётир. Ўтган йиллар мобайнида ушбу кўрик-танловлар орқали мингдан зиёд илғор маҳаллаларнинг иш тажрибаси оммалаштирилгани ана шундан далолат беради.

Фонд томонидан фуқаролар йиғинларининг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий ишлари самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Фонднинг бўлим ва бўлинмалари маҳаллаларда Маънавият тарғиботи жамоатчилик комиссиялари ва “Маънавият хоналари” ҳамда 3400 дан зиёд ахборот-ресурс марказлари ташкил этилишига кўмаклашди. Бундан ташқари, баркамол авлодни тарбиялашда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси жадал амалга оширилмоқда.

Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб ва таъсирчан тизими бўлган маҳаллани бугунги кунда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани диққатга сазовордир. Маълумки, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тадбиркорлик истиқлол шарофати билан янада ривож топмоқда. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кулоллик, темирчилик, косиблик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик каби ҳунармандчилик турлари, чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда нафақат ҳунармандлар, балки оилавий бизнесни йўлга қўймоқчи бўлган ҳар бир тадбиркор давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётир. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилингани бунда айни муддао бўлди. Ҳозирги кунда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда ҳам ана шу масалалар инобатга олинмоқда. Бундан ташқари, Фонднинг республика бошқаруви томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган 20 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилаяпти.

Бугун маҳаллаларда оилавий бизнеснинг қишлоқ хўжалиги йўналиши кенг ривожланаётгани эътибор ва эътирофга молик. Мамлакатимиз бўйича 4 миллиондан зиёд хонадонга тегишли 495 минг гектар томорқада сабзавот, мева, полиз экинлари етиштирилиб, бозорлар тўкинлиги таъминланаётир. Оилавий бизнеснинг чорвачилик йўналиши ҳам жадал тараққий этмоқда. Бугун 4 миллиондан зиёд хонадонда 7 миллиондан ортиқ қорамол парвариш қилинаяпти. Кўплаб оилаларда эса асаларичилик, балиқчилик ва паррандачилик фаолияти кенг қулоч ёймоқда. Оилавий бизнеснинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам тобора ривожланиб бормоқда.

Табиийки, олдимизда турган муҳим вазифалар анчагина. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ролини ошириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинларининг соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ фаолиятини бугунги талаб даражасида ташкил этиш зарур. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳам айни муддаодир.

Албатта, бундай вазифаларни муваффақиятли бажариш биздан катта билим ва масъулият талаб этади. Бунда, айниқса, Президентимизнинг шу йил 9 июлдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлади. Зеро, мақсадимиз кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали юртдошларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш экан, бор билим ва маҳоратимизни шу эзгу ишга йўналтирамиз.

**Анвар АҲМЕДОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Бухоро

*Когон шаҳридаги “Когонинфинити” кичик корхонасига банк томонидан икки йил муддатга 32 миллион сўмлик кредит ажратилганди. Жамоа ушбу қарзни бир йилдаёқ узишга муваффақ бўлди.*

### Кутилганидан ҳам зиёда

Гап шундаки, тадбиркор аёл Илмира Абдуллаева раҳбарлик қилаётган мазкур корхона ўз фаолиятини кенгайтириш эвазига даромадни икки ҳиссага оширди. Дастлаб савдо шохобчаси ҳамда миллий таомлар ошхонасини ишга тушириш билан фаолият бошлаган тадбиркор айни пайтда йигирмага яқин иш ўрни яратишга эришди.

Таъкидлаш жоизки, “Когонинфинити” каби кичик бизнес субъектларининг бозор талабларига тез мослашиши ўз самарасини бераяпти. Жорий йилнинг дастлабки ярмида вилоятда кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулот салмоғидаги ҳиссаси 55,1 фоизга етгани бунинг тасдиғидир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Термиз туманидаги “Мадад Намуна” корхонасида кунига 2 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди.*

### Замонавий технологик линия

— Қўшимча 15 та иш ўрни яратишга мўлжалланган лойиҳа рўёби учун 151 минг АҚШ долларилик маблағ сарфладик, — дейди корхона раҳбари Рустам Норҳамидов. — Айни пайтда маҳсулотларимизга ички бозорда талаб ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш чораларини кўраяпмиз.

Туманда жорий йилга мўлжалланган манзилли ҳудудий инвестиция дастурига асосан, умумий қиймати 5,1 миллиард сўмлик 14 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Бўстонлиқ туманининг Искандар қишлоғида “Лотос-Голд” Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси иш бошлади. Қувонарлиси, корхонанинг “Tirol”, “Claro”, “Қайинзор” савдо белгилари остида чиқарилаётган кир ювиш кукунлари уй бекаларига манзур бўлмоқда.*

### Уй бекаларига манзур

— Замонавий технологик линияларимиз ҳамкор давлатдан келтирилган, — дейди қўшма корхона раҳбари Улуғбек Одилов. — Улар ёрдамида бир кеча-кундузда 200 тоннагача қадоқланган маҳсулот тайёрлаш имкони мавжуд. Маҳсулотларимиз импорт ўрнини босибгина қолмай, қатор давлатларга экспорт қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхона иш бошлаши билан 110 кишининг бандлиги таъминланди. Уларнинг қирққа яқини жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Аёл. Оила. Жамият

*Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, пировардида уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.*

# Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш – устувор вазифа

Зеро, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги мавқеини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир.

Маълумки, айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар қўмиталари тизимида ҳисобот-сайлов конференцияларини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ташкил этишга жиддий киришилган.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва шу орқали аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини юксалтириш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, қайд этиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш 100,2 фоизга бажарилди. Жумладан, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар 2012 йил 9 ойи давомида 15 254,6 млн. сўмни ташкил қилди. Пировардида жами 1198 та иш ўрни яратилди.

Қорақалпоғистон Республикасида хотин-қизларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиши учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, шубҳасиз, бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз самарадорлигини оширмоқда. Мисол учун, шуманайлик Бозоргул Носирова банкнинг 24 миллион сўмлик кредити эвазига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Мийрим патша” кичик корхонасини ташкил этиб, 8 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Қўнғирот туманидан Гулсара Абдуллаева “Аган” фермер хўжалиги қошида паррандачиликни ривожлантирмоқда. Бунинг учун у 20 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланиб, 6 кишини иш билан таъминлади. Хўжайли туманилик Лола Ўтабоева 24 миллион сўм кредит ҳисобидан “Фибин” тикувчилик корхонасини ишга тушириб, ўнга яқин хотин-қизни иш билан таъминлашга эришди.

Албатта, бундай чора-тадбирлар аёлларнинг оилада, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига, энг муҳими, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Шу боис яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 20 млн. сўм маблағ эвазига Нукус, Тахтакўпир, Қораўзак ва Кегейли туманларида 20 та иш ўрни яратилди.

Хотин-қизларни тадбиркорликка ўргатиш, бу борада уларга давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёзлар тўғрисида тушунчалар бериб бориш мақсадида Нукус ва Тахиатош шаҳарларида, Мўйноқ, Нукус, Амударё, Қўнғирот туманлари марказлари ва чекка ҳудудларида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўргазмали ўқув-семинарлар ташкил қилинди. Ушбу тадбирларда тадбиркор аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмалари уюштирилгани иштирокчи аёлларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда хотин-қизларни иш билан таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти ҳам катта бўлаётганини қайд этиш жоиз. Ана шундай тадбирлар натижасида ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларни иш билан таъминлаш борасида маҳаллаларда, касб-ҳунар коллежларида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хотин-қизларнинг уй, оила, рўзғор ташвишлари билан чекланиб қолмасдан жамият тараққиётига муносиб улуш қўшишларига улкан имконият яратаётир.

Шунингдек, ҳудудимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан мунтазам мониторинг олиб борилмоқда. Албатта, бу борада муваффақиятлар билан бирга, айрим хато ва камчиликлар ҳам мавжуд. Ушбу масалалар тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида чуқур ўрганилиб, зарур чоралар кўрилмоқда ва ижобий ҳал этилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугун хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва салоҳияти юксалмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

# Йўли равоннинг ҳаёти фаровон

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизими, шу жумладан, автомобиль йўллари инфратузилмасини замон талаблари даражасида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий асослар яратилган. Хусусан, 2007 йил октябрь ойида эълон қилинган “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид тегишли қарорлари тармоқ равнақида дастуриламал бўлаётир.*

## Модернизация



Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 184 минг километр бўлиб, шундан 42654 километрини умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари (Ўзбек миллий автомагистрали таснифига кирувчи 2755 км. йўл ҳам шу таркибда) ташкил этади. Бундан ташқари, ички хўжалик, қишлоқ автомобиль йўллари, қишлоқ ва шаҳар кўчалари, корхоналарга қарашли ҳамда идоравий инспекторлик йўллари ҳам мавжуд.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, автомобиль йўллари тармоқларини такомиллаштириш сингари ишлар “Ўзавтойўл” компанияси томонидан амалга оширилади.

**Ҳозирги кунга келиб, республикамизда 1500 километрга яқин йўл янгидан қурилиб, тубдан реконструкция қилинди.**

Бугунги кунда компания таркибида ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотлари, Автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти, ўқув марказлари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган минтақавий, туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш ҳамда бир қанча саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар юк ва йўловчиларнинг йил давомида, ҳар қандай об-ҳаво шароитида узлуксиз ҳамда хавф-хатарсиз транспорт қатновини таъминлаш, автомобиль йўллари ва унинг элементларини техник соз ҳолатда сақлашдек масъулиятли ҳамда шарафли юмушларга камарбаста бўлиб келаяпти.

Албатта, бу борада Юртбошимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги 2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қарори, шу асосда қабул қилинган мақсадли дастурлар муҳим пойдевор бўлмоқда.

Шуларга уйғун тарзда ҳозирги кунга келиб, республикада 1500 км.га яқин йўл янгидан қурилиб, тубдан реконструкция қилинди, 12560 км.дан ортиқ йўл таъмирдан чиқарилди.

— 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида жорий йилнинг 9 ойида Ўзбек Миллий автомагистрали таркибига кирувчи 244 км. автомобиль йўли бунёд этилди ва таъмирланди, — дейди компания бош бошқармаси бошлиғи Жамшид Турсунов. — Шу жумладан, компания таркибига кирувчи корхоналар томонидан бажарилган ишлар учун 208 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Бинобарин, ўтган даврда “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу”, “Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз”, “Тошкент — Ўш”, “Самарқанд — Ашхобод — Туркманбоши”, “Самарқанд — Қарши”, “Гулистон — Оҳангарон” автомобиль йўлларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бунга мисолдир.

Албатта, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган бундай истиқболли лойиҳалар, пировардида иқтисодий салоҳиятимизни юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда айни муддаодир.

Масалан, янгидан бунёд этилаётган Фарғона водийси вилоятларини қулай ва қисқа автомобиль йўллари орқали боғловчи 55 км. узунликдаги “Қўқон шаҳрини айланиб ўтиш йўли”ни олиб кўрайлик. Ушбу лойиҳа тўлиқ амалга ошгач, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри, Данғара, Учкўприк ва Бувайда туманлари марказларини айланиб ўтиш орқали умумий масофа 14 км.га қисқаради. Айни чоғда Тошкент ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида бир кунда ҳаракатланаётган 7000 дан зиёд автотранспорт воситалари юқори тезликда, вақт ва ёқилғини тежаган ҳолда белгиланган манзилларига етиб олади. Қолаверса, аҳоли яшаш масканларини айланиб ўтиш атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, 2015 йилга қадар яна Ўзбек Миллий автомагистрали таркибидаги 1487 км. автомобиль йўли қурилиши ва реконструкция қилиниши ҳамда тўрт тасмали йўлга айлантирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлаш учун 34,9 миллион АҚШ долларилик 444 дона машина-механизм техникаси ва ускунаси харид қилиниши, 24 та йўл қурилиш ва таъмирлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳамда саноат базаларини модернизациялаш режалаштирилган.

**С. МАХСУМОВ.**

# Ўзаро алоқалар ривожланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 84 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Конференцияда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиз иқтисодиётини, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш йўлида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Кўргазмада Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи қатор йирик фирма ва компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. Корея компаниялари томонидан намойишга қўйилган қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланиладиган янги технологиялар, мева ва сабзавотларни қайта ишловчи ва сақловчи ускуналар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистонда кўплаб турдаги мева ва сабзавотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади, Жанубий Кореяда эса уларни қайта ишловчи юқори технологиялар мавжуд, — деди Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо вазирлигининг Европа мамлакатлари бўйича бошқармаси бошлиғи Ли Ук Хён. — Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига инновацион технологияларни жалб этиш борасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам фойдали, деб ўйлайман.

— Компаниямиз мева ва сабзавотларни, гул ва бошқа ўсимликларни етиштирувчи иссиқхоналар қуриш ва уларни лойиҳалаштириш билан шуғулланади, — деди Кореянинг «Whashin» компанияси директори ўринбосари Ли Кюнг Хван. — Ўзбекистонлик ишбилармонлар ва фермерлар кўргазмада намойишга қўйилган юқори технологияли иссиқхоналаримизга катта қизиқиш билан қараётгани бизни қувонтирмоқда.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Тадбир

*Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро куни муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, БМТ Тараққиёт дастури вакиллари қатнашди.*

# Долзарб мавзуга бағишланди

Эътироф этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти томонидан тақдим этиладиган зилзилаларнинг прогноз маълумотларидан келиб чиқиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан зилзила ва унинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган табиий ҳамда техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳолини бундай вазиятлардан ўз вақтида огоҳлантириш ва уларни тўғри ҳаракатланишга ўргатиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, фавқулодда вазиятлардан фуқароларни хабардор қилиш мақсадида мобиль алоқа компаниялари хизматларидан кенг фойдаланилмоқда.

— Профилактика тадбирлари чоғида 276 та гидротехник иншоот, 233 та дарё, сой ва каналлар ҳолати ўрганилиб, табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай хавфни камайтириш бўйича бир қатор ишлар бажарилди, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъул ходими Б. Валиев. — Шу билан бирга, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги 18 та дам олиш ҳудуди ҳамда республикамиздаги 217 та болалар дам олиш ва соғломлаштириш масканларининг геологик ва гидрометеорологик ҳолати таҳлил этилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Бу борада аҳоли иштирокида олиб борилаётган ўқув машқлари муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда вазирлик ходимлари олдида турган устувор вазифалар таҳлил этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Молия муассасаларида

*Мамлакатимизда саноатни янада ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга ошгани бунинг яққол тасдиғидир.*

*Албатта, бу каби ижобий кўрсаткичларга Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замонавий корхоналар барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш ҳисобига эришилаяпти. Ўз навбатида, ушбу саъй-ҳаракатлар аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг ҳам мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.*

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

## соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган



*Масалан, 2005 — 2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан зиёд иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келди. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда юртимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилаяпти. Айни пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келаётир.*

*Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этган БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги 45 дан ортиқ хорижий давлатлардан келган 250 нафарга яқин кўзга кўринган иқтисодчилар, олимлар, бизнес оламининг йирик намояндалари томонидан ана шу ютуқлар алоҳида эътироф этилди. Бу ўзбек модели нақадар тўғри эканини яна бир карра тасдиқлайди.*

*Айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда мамлакатимиз тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. Масалан, “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоасининг бугунги самарали фаолиятидан мижозлар бирдек мамнун. Буни ушбу молия муассасаси кўмагида бизнесини йўлга қўйиб, даромад орттираётган, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг дил изҳорларидан ҳам англаш мумкин.*

### Банкимиздан кўнглимиз тўқ

Улуғ мақсадларни дилига туккан халқимизнинг азму шижоати туфайли истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча жабҳаларида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй бераяпти. Ана шу эзгу саъй-ҳаракатларда юртимиз молия муассасалари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Бунга биз, тадбиркорлар фаолиятимиз мисолида амин бўлмоқдамиз.

Ўзимдан қиёс. Узоқ йиллардан буён “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Самарқанд минтақавий филиали мижозиман. Минтақавий филиалнинг аҳил, ёш, шижоатли жамоасининг мижозларга бўлган самимий муносабатидан дил қувонади. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” шиорининг амалий тасдиғи шу ерда яққол кўзга ташланади.

Энг муҳими, “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятидан кўнглимиз тўқ. Масалан, бизнинг корхонамиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Яқинда фаолиятимизни янада ривожлантириш мақсадида банкнинг вилоят минтақавий филиалидан 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, унга йилига 50 тоннадан зиёд колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технология харид қилдик. Натижада ўндан зиёд иш ўринлари яратилди. Даромадимизга даромад қўшилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ҳамкорлигида бундан кейин ҳам эзгу ташаббусларни илгари сураверамиз.

**Олим РАЖАБОВ,**
**«Olim Radjabov» хусусий корхонаси раҳбари.**
Самарқанд вилояти

### Кафолатли хизмат, барқарор фаолият

Кўп кузатамиз. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, мазкур соҳанинг тараққиёти биз учун муҳим аҳамиятга эга эканини бот-бот таъкидлайдилар. Чунки кичик бизнеснинг ривожланиши, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлашдек ўта долзарб вазифани ижобий ҳал этиш имконини беради. Ўтган йигирма бир йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз давомида эришилган ютуқлар мисолида бу ўз тасдиғини топиб бормоқда.

Беқиёс шароитлар туфайли бизнинг “Комфорт барака люкс” масъулияти чекланган жамияти ҳам барқарор ривожланмоқда. Жорий йилда корхонамиз томонидан аҳолини сифатли маъданли сув билан таъминлаш мақсадида бизнес-режа ишлаб чиқилган эди. Уни амалга ошириш учун “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Қашқадарё минтақавий филиали томонидан 250 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилди, ҳозиргача 900 минг дона газланган ва газланмаган маъданли сув қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Пировардида даромадимиз чўғи ортди.

2012 йилнинг мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилингани жамиятимизга ўзгача шижоат ва ғайрат бахш этди. Сабаби, корхонамизда, асосан, ёш оилалар меҳнат қилади.

Биз бундан кейин ҳам юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган улкан ишларга муносиб ҳисса қўшишга интиламиз.

**Улуғбек ҚУДРАТОВ,**
**«Комфорт барака люкс» МЧЖ раҳбари.**
Қашқадарё вилояти

### Беқиёс ғамхўрлик самараси

Корхонамизга давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ўша йили асос солинган эди. Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида дастлаб цехларимиз Италиянинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланди. Натижада хўжалик ва атир совунлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу лойиҳани муваффақиятли амалга оширишимизда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан Германиянинг HVB банки линияси орқали ажратилган 2 миллион 400 минг евро миқдоридаги кредит қўл келди. Пировардида 40 та иш ўрни яратилиб, асосан, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга киришдик.

Бугунги кунда корхонамизда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар сони қарийб 60 нафарни ташкил этади. Юқори малакали ҳамда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган иқтидорли ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган 10 хил совунга талаб тобора ортиб бораяпти. Айтайлик, ўтган йили республикамиз аҳолисига “My DREAM” савдо белгиси остида 800 тонна маҳсулот етказиб берилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 3 минг тоннани ташкил этди.

Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, янги турдаги маҳсулотлар, хусусан, суюлтирилган совун ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Ички бозорда харидоргир бўлиб бораётган корхонамизнинг рақобатбардош маҳсулотларини экспорт қилиш борасида ҳам изланишлар олиб борилаяпти. Зеро, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, “Ўзсаноатқурилишбанк” сингари банкларнинг молиявий кўмаги биз, тадбиркорларни юксак марралар сари руҳлантирмоқда.

**Саидаброр АМИРСАИДОВ,**
**«Prime Sopone» МЧЖ раҳбари.**
Тошкент шаҳри

### Йиллар давомида синалган шерик

Мамлакатимиз иқтисодиётининг йилдан-йилга барқарорлашиб, аҳоли турмуш даражасининг тобора яхшиланиб бораётгани Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир. Мисол учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътиборни олайлик. Ўтган давр мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби жуда кўплаб қулайликлар жорий этилди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий жабҳадаги фаоллиги ортиб бораяпти. Жумладан, бугунги кунда биргина Хоразм вилоятида соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 60,5 фоизни ташкил этмоқда. Президентимиз ўтган ҳафтада халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида буни алоҳида эътироф этгани кўнглимизни тоғдек кўтарди, қалбимизга фахр ва ифтихор бағишлади.

Мебель ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз жамоаси ҳам яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, қатор ютуқларга эришмоқда. Бунда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Хоразм минтақавий филиалининг салмоқли ҳиссаси бор. Мазкур молия муассасаси билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида 2012 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Хоразм минтақавий филиали томонидан корхонамизга 70 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи берилди. Шунинг ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ҳажми 1,3 баробарга ортди ва қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Фирмамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган металл каркасли мебель жиҳозлари сифатлилиги боис харидорларга манзур бўлаяпти. Бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб тиббиёт муассасаларида улардан кенг фойдаланилмоқда.

Табиийки, эришилаётган ютуқлар билан кифояланмоқчи эмасмиз. Фаолиятимизни янада ривожлантириб, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз. “Ўзсаноатқурилишбанк”дек ишончли ҳамкоримиз борлиги бизнинг ана шу мақсадларимизга эришишимизда муҳим молиявий асос бўлиб хизмат қилади.

**Юлдашбой ЭРНАЗАРОВ,**
**«Элинза» ХИЧСФ раҳбари.**
Хоразм вилояти


## XALQ BANKI

### Давлат-тижорат Халқ банкининг «Универсал» ютуқли омонати бўйича 2012 йил 10 октябрда Жиззах вилояти, Жиззах шаҳрида ўтказилган 6-ютуқлар тиражида ютуқ чиққан ҳисобварақлар

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Амалиёт филиали | Муомала бўлими | УУ-23 |
| 2. | 1 000 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 05-шохобча | УУ-73 |
| 3. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Муомала бўлими | УУ-44 |
| 4. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 011-шохобча | УУ-7 |
| 5. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 01-касса | УУ-11 |
| 6. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | Муомала бўлими | УУ-8 |
| 7. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 4881/05-касса | УУ-2 |
| 8. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 03-шохобча | УУ-42 |
| 9. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-44 |
| 10. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 13-махсус касса | УУ-64 |
| 11. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Муомала бўлими | УУ-28 |
| 12. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-39 |
| 13. | 100 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амалиёт филиали | Муомала бўлими | УУ-4 |
| 14. | 100 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Муомала бўлими | УУ-59 |
| 15. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 4892/015-касса | УУ-3 |
| 16. | 50 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 3645/032-шохобча | УУ-12 |
| 17. | 500 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Муомала бўлими | УУ-94 |
| 18. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 033-шохобча | УУ-25 |
| 19. | 100 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 3645/012-шохобча | УУ-12 |
| 20. | 500 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Муомала бўлими | УУ-4 |
| 21. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Муомала бўлими | УУ-259 |
| 22. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Муомала бўлими | УУ-141 |
| 23. | 50 000,00 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | 028-шохобча | УУ-1 |
| 24. | 200 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-14 |
| 25. | 200 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Муомала бўлими | УУ-40 |
| 26. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Муомала бўлими | УУ-13 |
| 27. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-145 |
| 28. | 100 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 529/011-шохобча | УУ-2 |
| 29. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-272 |
| 30. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Амалиёт филиали | Муомала бўлими | УУ-42 |
| 31. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 011-шохобча | УУ-6 |
| 32. | 200 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Муомала бўлими | УУ-147 |
| 33. | 200 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Муомала бўлими | УУ-35 |
| 34. | 50 000,00 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 03-шохобча | УУ-307 |
| 35. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 013-шохобча | УУ-9 |
| 36. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-252 |
| 37. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-160 |
| 38. | 200 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-90 |
| 39. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | Муомала бўлими | УУ-2 |
| 40. | 200 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 4892/031-касса | УУ-3 |
| 41. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-41 |
| 42. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-59 |
| 43. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 033-шохобча | УУ-17 |
| 44. | 50 000,00 | Фарғона вилояти | Риштон филиали | 3597/020-филиал | УУ-4 |
| 45. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-155 |
| 46. | 500 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 033-шохобча | УУ-23 |
| 47. | 50 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Муомала бўлими | УУ-24 |
| 48. | 200 000,00 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | Муомала бўлими | УУ-18 |
| 49. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-17 |
| 50. | 200 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Муомала бўлими | УУ-6 |
| 51. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-24 |
| 52. | 100 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Муомала бўлими | УУ-245 |
| 53. | 100 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | Муомала бўлими | УУ-19 |
| 54. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-4 |
| 55. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Муомала бўлими | УУ-31 |
| 56. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 4881/023-касса | УУ-5 |
| 57. | 50 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 3645/012-шохобча | УУ-11 |
| 58. | 100 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Муомала бўлими | УУ-67 |
| 59. | 100 000,00 | Қашқадарё вилояти | Ғузор филиали | 3605/25-шохобча | УУ-2 |
| 60. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қонликўл филиали | 8121/09-шохобча | УУ-4 |
| 61. | 50 000,00 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | Муомала бўлими | УУ-7 |
| 62. | 200 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-119 |
| 63. | 500 000,00 | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | Муомала бўлими | УУ-3 |
| 64. | 50 000,00 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 3645/024-шохобча | УУ-7 |
| 65. | 100 000,00 | Самарқанд вилояти | Иштихон филиали | Муомала бўлими | УУ-4 |
| 66. | 200 000,00 | Самарқанд вилояти | Иштихон филиали | Муомала бўлими | УУ-2 |
| 67. | 50 000,00 | Тошкент шаҳри | Юнусобод филиали | 216-касса | УУ-1 |
| 68. | 50 000,00 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 026-шохобча | УУ-10 |
| 69. | 50 000,00 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Муомала бўлими | УУ-8 |
| 70. | 50 000,00 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 4892/020-касса | УУ-4 |
| | 9 000 000,00 | | | | |

**Ҳайъат раиси** — Ғ. ХИДИРОВ, Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари

**Масъул котиб** — Т. ХУРРАМОВ, Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви Чакана хизматларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

1729R/50

Tsh 64-20438253-01: 2011
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:
ООО «TAYFUN PLASTIK»
ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ
«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные
Ф/О — безналичный расчет
ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:
КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах
для производства полипропиленовых мешков,
может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.
из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.
Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.
КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ
291R/161

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
ШУНИНГДЕК:
Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича
КАФЕЛЬ
(девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)
Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru
1260R/961

*Йирик ишлаб чиқариш корхонаси танлов асосида*
СЕКРЕТАРЬ–РЕФЕРЕНТ
*лавозимига ишга таклиф қилади.*
Рус ва ўзбек тилларини аъло даражада билиш, шунингдек, офис техникаларидан мукаммал фойдалана олиш талаб қилинади.
*Ойлик маош суҳбатдан ўтгач белгиланади.*
Мурожаат учун тел.: (8-371) 241-31-94, 241-09-93, (+99890) 167-17-58.
1679A/1159


Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси доценти

**Ғайрат ХАТАМҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўздавкитобсавдотаъминоти” масъулияти чекланган жамияти жамоаси менежер

**Надежда Матвеевна БАБАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# Ҳамюртларимиз – жаҳон чемпиони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жаҳон ампутантлар футбол федерацияси (WAFF) томонидан ўнинчи бор ташкил этилган дунё биринчилигида 12 та давлат терма жамоаси иштирок этди.

Мусобақанинг "В" гуруҳида совринли ўринлар учун курашни бошлаган Мавзурхўжа Умархўжаев шогирдлари турнир давомида етти учрашувда майдонга чиқиб, барчасини ғалаба билан якунлади. Хусусан, ҳамюртларимиз гуруҳ босқичида Туркия (6:1), Япония (7:0), Либерия (8:2), Англия (4:2), Украина (4:0) терма жамоаларидан яққол устунлигини намойиш қилишди. Ярим финалда эса аргентиналикларга ҳеч қандай имконият қолдирилмади — 4:0.

Ҳал қилувчи финал ўйинида ҳамюртларимиз мезбонларга қарши майдонга чиқдилар. Ўта муросасиз ва кескин курашлар остида кечган ўйин тақдирини ягона гол ҳал қилди. Уни терма жамоамиз аъзоси Ҳайдарали Турсунбоев рақиб дарвозасига киритди. Шу тариқа Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси кетма-кет учинчи бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Бунгача футболчиларимиз 2007 йили Туркия, 2010 йили эса Аргентина давлатлари мезбонлик қилган мусобақалардан бош соврин билан юртимизга қайтишганди.



*2015 йил Австралияда футбол бўйича XVI Осиё кубоги баҳслари бўлиб ўтади.*

## Саралашдаги рақиблар маълум

Яқинда ана шу нуфузли мусобақанинг саралаш баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Мельбурн шаҳрида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи рақам остида сараланди ва "Е" гуруҳидан жой олди. Вакилларимиз финал босқичига чиқиш учун БАА, Вьетнам ҳамда Гонконг терма жамоаларига қарши баҳс олиб боради.

Саралашнинг биринчи тур учрашувлари 2013 йил 6 февраль куни ўтказилади. Шу куни футболчиларимиз Тошкентда гонконглик рақибларига қарши майдонга тушади.

Терма жамоамиз иштирокидаги қолган учрашувлар қуйидаги саналарга белгиланган:

**2-тур:** 2013 йил 22 март. БАА — Ўзбекистон.

**3-тур:** 2013 йил 15 октябрь. Ўзбекистон — Вьетнам.

**4-тур:** 2013 йил 15 ноябрь. Вьетнам — Ўзбекистон.

**5-тур:** 2013 йил 19 ноябрь Гонконг — Ўзбекистон.

**6-тур:** 2014 йил 5 март Ўзбекистон — БАА.

*Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мусобақалари тақвимига кирувчи "Челленжер" халқаро турнири бўлиб ўтди.*

## Теннис юлдузлари Тошкентда беллашдилар



**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақанинг мавқеи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда ушбу спорт тури бўйича ҳар қандай нуфузли турнирни юқори савияда ташкил этиш борасида юксак даражадаги инфратузилма мавжудлиги билан боғлиқ. Қолаверса, Тошкент кортларида ғолибликни қўлга киритган бир қатор ракетка усталари кейинчалик бошқа йирик халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятларга эришиб, АТР рейтингида юқори поғоналардан жой олган. Жумладан, Тошкент "Челленжер"и ғолиблари Енсуннь Лу (Хитой Тайпейи) ва ҳамюртимиз Денис Истомин фаолияти давомида кучли теннисчилар рейтингида 33, Карол Бек (Словакия) 36 поғонагача кўтарилган. Яна бир бош соврин соҳиби, кипрлик Маркус Богдатис эса кучли ўнликка кирган.

Айнан шу жиҳатлар турнирда ҳар бир беллашувнинг ўта муросасиз ва кескин курашлар остида ўтишини таъминлайди. Бу сафарги баҳсларни кузатиб, бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Айниқса, словакиялик Лукаш Лачко, италиялик Флавио Циполла, хорватиялик Иван Додига, чехиялик Ян Мертл, канадалик Вашек Поспишила, россиялик Игорь Куницин, швейцариялик Марко Кьюндинелли каби машҳур ракетка усталари иштирокидаги беллашувлар мухлисларга олам-олам шавқ ва завқ улашди. Ана шундай кўтаринки руҳда кечган халқаро турнирнинг яккалик баҳсларида бош совринни беларуслик Владимир Игнатик қўлга киритди. У финалда турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси сифатида сараланган словакиялик Лукаш Лачкони мағлубиятга учратди.

Жуфтликлар ўртасидаги баҳсларда эса германиялик спортчилар Андре Бегманн ва Мартин Эммрихга тенг келадиган рақиблар топилмади. Улар финалда австралиялик Рамиз Жунаид ва германиялик Франк Мозерни тандемидан устун келди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# МИЖОЗЛАРНИНГ БАНКЛАРГА ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадқиқот мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарор ривожланаётгани, мижозларга таклиф этилаётган хизматлар сифати ва кўлами ортиб бораётганини кўрсатди. Сўровда қатнашган аксарият юртдошларимизнинг фикрича, банкларимиз томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти юксалаётгани натижасида аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончи тобора ошмоқда.

Бу эса, аввалambор, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган, бутун дунёда "Ўзбек модели" дея эътироф этилган изчил ислоҳотлар самарасидир. Тараққиётнинг ушбу модели глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам ўзининг барқарорлигини намоён этди. Қулай инвестиция муҳити яратиш, корхоналарни модернизациялаш ва молиявий соғломлаштириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз молия муассасаларининг капиталлашуви ва ликвидлиги ошиб, банкларимиз нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтинг даражасига эга бўлмоқда. Бу мижозларга кўрсатилаётган хизматларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Сўровда иштирок этганларнинг 91,3 фоизи банк хизматлари кўрсатиш сифати ва маданияти сезиларли даражада юксалганини, банк филиалларида мижозларга қулай шароитлар яратилганини, банк амалиётлари ўз вақтида бажарилаётганини эътироф этган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг банк депозитларига қўйган маблағларининг ишончли сақланиши, эгаларига фоизли даромадлар билан ўз вақтида қайтарилиши банк тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, сўралганларнинг 94,3 фоизи мамлакатимиз банкларига ишончи юқорилигини билдирган бўлса, уларнинг аксарияти банклардаги омонатлар давлат томонидан тўлалигича кафолатланганлиги сабабли ўзларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларига омонатга қўйиб келаётганлигини таъкидлаган.

Шунингдек, сўровда қатнашганлар банкларда электрон тўлов тизимининг самарали йўлга қўйилганлигидан, ҳисоб рақамларидан пул маблағларини кўчиришда муаммо йўқлигидан, интернет-банкинг, смс-банкинг, мобиль-банкинг каби операцияларни масофадан бошқариш хизматлари таклиф этилаётганлигидан мамнун эканликларини билдирганлар. Ўз навбатида, ушбу қулай хизмат турларини янада кўпайтириш, айниқса, қишлоқ жойларда кенгроқ жорий этиш зарурлигини қайд этганлар.

Тадбиркорлик субъектларининг 91,2 фоизи банкларнинг кредит сиёсатидан мамнунлигини, бу борада маслаҳатлар бериш ва хизмат кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаган. Айниқса, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки, "Агробанк", "Асака" банки, "Микрокредитбанк" ва "Қишлоқ қурилиш банк"нинг бу борадаги фаолияти алоҳида қайд этиб ўтилган.

Сўров жараёнида банклар мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этаётганлиги ҳам кўпчилик томонидан эътироф этилган.

Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорликни, аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилаётганлиги сўровда иштирок этганлар томонидан таъкидлаб ўтилган.

Кредит таъминотига доир саволларга берилган жавоблар таҳлили банклар томонидан микрокредитлар ажратишда гуруҳ кафиллиги, ота-она ёки бошқа яқин қариндошларнинг кафиллиги каби таъминотнинг бирмунча енгил турлари жорий этилгани ўз ишини бошлаган тадбиркорлар, айниқса, ёшлар учун жуда қўл келаётганлигини кўрсатди. Буни сўров қатнашчиларининг қарийб 93 фоизи тасдиқлаган.

98,5 фоиз иштирокчи тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётганлигини, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётганлигини қайд этган. Уларнинг фикрича, тадбиркорликнинг турли йўналишлари — маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ташкил этишда микрокредитлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Нисбатан кам суммали бундай кредитларни қайтариш қийинчилик туғдирмайди.

Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда берилаётган имтиёзли кредитларнинг қандай самара бериши ҳақида сўралганида, иштирокчиларнинг 97,2 фоизи ушбу маблағлар ёшларнинг ўз режаларини амалга оширишида, ўзи ва тенгдошларини иш билан таъминлашида муҳим ўрин тутаётганини айтган.

Жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига оид бизнес лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлар самарасига ҳам сўров жараёнида алоҳида тўхталиб ўтилган. Ушбу кредитлар аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётгани таъкидланган.

Сўровда қатнашганларнинг 97,1 фоизининг фикрича, аёллар тадбиркорлиги учун ажратилаётган кредитлар хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлашга, ўз оилалари даромадларини оширишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, айниқса, қишлоқ аёлларининг меҳнат шароитини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшаётир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлардандир. Бу борадаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини, имтиёз ва қулайликларни аҳолига тушунтириш мақсадида кўплаб учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда. Сўров иштирокчиларининг 93,3 фоизи шундай мулоқотларда қатнашганини ва ўзи учун зарур маълумотларга эга бўлганини қайд этган.

Шу билан бирга, жойларда аҳоли ва тадбиркорлар билан бу каби тадбирларни кўпроқ ташкил этиш, уларга мутасадди вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган.

Сўровда тижорат банкларининг интерфаол хизматлари, банкомат ва инфокиоск каби ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари, истеъмол ва таълим кредитлари, "ишонч телефонлари" фаолияти ҳақида ҳам ижобий фикрлар айтилган. Банкларнинг бу борадаги фаолиятини янада ривожлантириш ва хизматлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар билдирилган.

Бугун мамлакатимизда тўққиз мингдан зиёд банк инфратузилмаси аҳоли ва корхоналарга молиявий хизматлар кўрсатмоқда. Банкларнинг кредит ресурслари устувор равишда ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни доимий иш билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга йўналтирилмоқда. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, сифати ошиб бораётганини кўрсатди. Бу халқимиз фаровонлигини ва мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида тайёрланди (ЎзА).**

● Реклама ва эълонлар ●


**СОТАМИЗ:**

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.**
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м., фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хоналик уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 135 838 974 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 2 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 31 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй.**
**Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1730A/1441

**Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти**

***2012 йил 19 октябрда ўз битирувчилари учун тантанали тақдимот маросимини ўтказади.***

*Ишончимиз комилки, бу қалдирғочлар Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилиб, жамиятимиз учун фойдали инсон бўладилар.*

*Битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарини сидқидилдан қутлаймиз!*



MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

**Омадли келажакка биз билан эришинг!**

Хизматлар лицензияланган.

1731R/


**ОБ-ҲАВО (16 октябрь)**

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +3 +8 | +18 +23 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +8 +13 | +20 +25 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +7 +12 | +19 +24 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +8 +13 | +20 +25 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +6 +11 | +20 +25 |
| Тошкент шаҳрида | +8 +10 | +21 +23 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5